



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 106 (11.667)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ САНОАТЧИЛАР КЎРИГИ



Аввал хабар берганимиздек, КЕЧА «Ўзэкспомарказ» мажмуасида Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржанинг дастлабки босқичи — саноат тармоқлари кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Кўргазмада мамлакатимиз саноатининг етакчи тармоқлари, хусусан, машинасозлик, электротехника ва авиация саноатининг кенг имкониятлари намойиш этилмоқда. Мажмуанинг очиқ майдонида юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган микроавтобуслар, қишлоқ хўжалиги машиналари, аг-

регатларга ҳам кенг ўрин берилган.

— Саноат кооперациясининг имкониятларига тўхталар эканмиз, таъкидлаш жоизки, бундай тадбирларга қатнашиш учун етакчи ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес субъектлари ҳамда хорижий ҳамкорлар жалб қилинаётгани



этиборлидир, — дейди «Maxsus mebel» хусусий корхонаси директори Қаюм Зоҳидов. — Муҳими биз, иштирокчилар, кўргазма доирасида бўлиб ўтадиган тармоқлар ва корхоналар тақдимотларида қатнашиб, тажриба алмашишимиз, зарур бўлган хом ашё ва материаллар, бутловчи ҳамда тайёр буюмларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузишимиз мумкин. Дарвоқе, биринчи кундаёқ мебеллари-

мизга кўплаб корхоналар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан катта қизиқиш билдирилди, буюртмалар замонавий заводни лойиҳалари белгиланди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржадан лавҳалар.

Козим Ўлмасов олган суратлар

Иқтисодиёти ўтиш даврини бошидан кечириётган Осиё мамлакатларининг еттинчи йиллик анжумани илк бор Тошкентда ўтказилмоқда.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан Германия техник ҳамкорлик жамияти ва Осиё тараққиёт банкининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари кўмағида ташкил этилди. Анжуман глобал молиявий-иқтисодий инқироз, унинг оқибатларини бартараф этиш учун қўрилган чора-тадбирлар ва иқтисодий бўҳрондан чиқаришнинг хулосалар мавзусига бағишланди.

Анжуманда Ўзбекистон, Хитой, Вьетнам, Камбоджа, Лаос, Мўғулистон, Қозғистон, Тожикистон, Германия ва Ирландия иқтисодиёт вазирилари ва идоралари, тадқиқот институтлари вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида қабул қилинган, унинг мавзуд шариғатга мослиги ва аниқ мақсадга йўналтирилган глобал иқтисодий инқироз оқибатларини енгиб ўтишда муҳим омил бўлди.

Банк секторига зарур ёрдам кўрсатиш билан бирга, иқтисодиётнинг реал сектори молиявий барқарорлигини кўллаб-қувватлаш, экспортга йўналтирилган корхоналарга зарур имтиёзлар ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, диверсификациялаш ҳисобидан харажатларни қисқартириш ҳамда даромадларни кўпайтириш ва бошқа бир қатор муҳим чора-тадбирлар ушбу дастурнинг устувор йўналишларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири С.Бекенов таъкидлаганидек, глобал иқтисодий инқироз даврида тараққиётнинг «Ўзбек модели» ўзини тўла оқлади. Бунда бир қатор омиллар, хусусан, банк-молия тизими мустақамлигининг ишончли захираси, оқилна ва пухта ўйланган иқтисодий сиёсат юритилгани, иқтисодиётнинг макроиқтисодий мувозанатлангани ус-

тидан қатъий назорат ўрнатилгани муҳим роль ўйнади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, шунингдек, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига алоҳида этибор қаратилмоқда.

Кенг кўламли ижтимоий, инфратузилма ва транспорт-коммуникацияларига оид лойиҳалар амалга оширилмоқда, бунинг ҳисобидан янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли даромадлари ортмоқда.

Узоқ истиқболга мўлжалланган ривожланиш стратегияси Ўзбекистонга дунёдаги кам сонли давлатлар қаторида янги ички маҳсулот, саноат ишлаб чиқариши ўсишининг юқори суръатларини таъминлаш имконини бериши. Инвестициялар, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ортмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари, прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори Г.Саидова анжуман иштирокчилари этиборини мамлакатимиздаги саноат ишлаб чиқаришнинг юксалишига қаратди.

Ўзбекистон асосан саноатини ривожлантиришни жаддалаштириш ҳисобидан юқори иқтисодий ўсish суръатларига эришмоқда. Сўнгги беш йил давомида саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўсиш суръатлари йилга ўртача 10 фоизни ташкил этди. Қайта ишлаб чиқариш жаддал ривожланди, унинг умумий саноат ишлаб чиқаришидаги улуши йилга 5 фоиздан кўпайиб борди ва ҳозирги пайтга келиб 80 фоизга етди.

Мамлакатимиз автомобилсозлиги юқори кўшимча қийматли маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминламоқда. Ўзбек автомобилларининг экспорти йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Мамлакатимизда автобуслар ишлаб чиқари-

рилмоқда, юк автомобилларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, шаҳар-боп автобуслар ишлаб чиқариш бўйича замонавий заводни ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Электротехника саноати, нефть-газ ва темир йўл машинасозлиги тезкор суръатлар билан ривожланмоқда. Тўқимачилик, қурилиш материаллари, фармацевтика ва мебелсозлик саноати замонавий технологиялар ҳисобидан янгиланмоқда.

Умуман, янги ички маҳсулотда саноатнинг улуши 2002 йилдаги 14 фоиздан бутунги кунда қарийб 24 фоизга етди.

Вьетнам иқтисодий бошқарув марказий институти директори Хуан Ба Ўзбекистон иқтисодиётининг жаддал ривожланаётганини алоҳида таъкидлади. Бундай изчил ривожланиш самараси ўлароқ Ўзбекистон Осиёнинг тараққий этаётган етакчи давлатларидан бирига айланди. Мамлакатнинг таълим соҳасидаги улкан салоҳияти, ёшларнинг ҳар томонлама билим олишига бўлган интилиши-

га ҳавас қилса арзийди. Анжуманда дунёнинг жаддал ривожланаётган минтақаси — Осиё давлатлари инқироз оқибатларини бошқаларга нисбатан тезроқ ва муваффақиятлироқ енгиб ўтганлиги таъкидланди. Кўплаб масалаларнинг ҳал этилиши ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, молиявий институтларнинг биргаликда иш олиб боришини тақозо этади. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси кўплаб давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Анжуманда иқтисодий инқирознинг таъсири ҳамда ишлаб чиқариш, молия ва ижтимоий соҳаларда унинг оқибатларини бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди. Таъкидландики, инқироздан кейинги даврда иқтисодий ривожланиш учун янги восталар, но-анъанавий ёндашувлар талаб этилади. Бугун чуқур таркибий ўзгаришларга ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга йўналтирилган узоқ муддатли инновацион лойиҳаларни амалга ошираётган давлатлар юксак самараларга эришади. Форумда Осиё мамлакатларидаги инновацион ривожланиш моделлари, улар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Вера РУДАКОВА,
 УзА мухбири

ҚУВОНЧЛАРИ УМИДЛАРГА ТўЛА БОЛАЛАР

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган барча ислохотлар замирида навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, пухта билим ва тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун зарур шарт-шароит яратишдек эзгу мақсадлар мужассам.

Юртимизда 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан ўтказилаётган «Хар бир фарзанда — меҳр, этибор!» махсус ҳафталигининг ранг-баранг тадбирлари, хайрия акцияларида бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин йодасини топмоқда. Мазкур ҳафталик доирасида пойтахтимиздаги Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида «Қувончлари умидларга тўла болалар» мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда турли вазирилк ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, ота-оналар қатнашди. **(Давоми 2-бетда).**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Ҳазо минтақасига бораётган кемаларнинг халқаро гуманитар конвойига Исроил ҳарбий-денгиз кучларининг ҳужуми Ўзбекистонда чуқур ташвиш ва хавотир билан қабул қилинди.

Ўзбекистон томони инсонлар қурбон бўлишига олиб келган ушбу фожиали ҳодисани қоралаб, Исроил томонидан Ҳазо минтақаси қамалини бекор қилиш масаласи теъдда хал этилишига умид билдиради ва БМТ Хавфсизлик кенгашининг тегишли резолюцияларини тўлалигича бажаришга чакирди.

Ўзбекистон қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан айтиш қийин бўлган ҳолатда кучайишининг ва зўравонлик ёйилиб кетишининг олдини олиш зарур, деб ҳисоблайди.

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Миробод туман ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб уюштирилган тадбирда кам таъминланган оилалар фарзандларига совғалар топширилди.

✓ **КЕЧА** Учтепа туманидаги «Куйи Дарҳон» маҳалласи фуқаролар йиғини ташаббуси билан 123-мактаб бошланғич синф ўқувчилари ва 469-мактабга таълим муассасаси тарбияланувчилари иштирокида «Қувонқ болажонлар» тадбири ўтказилди.

✓ **КЕЧА** «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси, «Меҳр нури» жамғармаси ҳамкорлигида шаҳримизда яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандлари, имконияти чекланган болажонларнинг бир гуруҳи Тошкентдан Самарқандга сайҳатга жўнаб кетди.

✓ **СЕРГЕЛИ** туманидаги 565-мактабга таълим муассасасида халқ таълими бўлими ҳамкорлигида **КЕЧА** ташкил этилган маънавий-маърифий тадбир Баркамол авлод йилга бағишланди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Германиянинг халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик фонди ҳамкорлигида қонун ҳужжатларини турқумлаш ва бу жараёнда электрон маълумотлар базасидан фойдаланиш масалаларига бағишланган халқаро семинар ўтказилди.

• Зомин туманида «Биз бир замин ва замон фарзандларимиз» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбир доирасида турли миллатларнинг хунармандчилик буюмлари ва миллий таомлари кўргазмаси, концерт намойиш этилди.

• «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Сирдарё вилояти ҳудудий филиали томонидан ўтган йили ажратилган 2 миллиард 280 миллион сўмликдан зиёд микрокредитлар эвазига 4238 иш ўрни яратилди. Банк қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерлик ҳаракати, шунингдек, қасаначиликни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида этибор қаратмоқда. Банкнинг молиявий кўмағидан фойдаланган тадбиркорлар томонидан ўтган йили 6 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

• Кеча эрталаб Самарқанд шаҳридан «Регистон» номи юқори даражадаги шинам тезорат поездинг дастлабки қатнови йўлга қўйилди. Самарқанддан Тошкентга қадар йўлни уч ярим соат ичида босиб ўтадиган мазкур электропоезд 210 нафар йўловчини ташиш имкониятига эга ва ҳафтасига беш марта қатновни амалга оширади.

• Андижон давлат университетида Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан «Соғлом ёшлар» лойиҳасининг «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз» мавзусидаги ёшлар акцияси ўтказилди. Акция доирасида «Келажак нури» нодавлат нотижорат ташкилоти фаоллари репродуктив саломатлик, инфекциялар юқишининг олдини олиш йўллари каби мавзулар бўйича тренинг машғулоти ўтказилди.

• Тошкентда замонавий ахборот теледастурларини ташкил этишда медиа-технологиялардан фойдаланиш самараларига бағишланган техник семинар-тренинг бошланди.

• Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасида мамлакатимизнинг 70 нафар ёш олимларига Германиянинг академик айирбошлаш хизмати (DAAD) стипендияларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

• «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш» дастури лойиҳаси доирасида тадбиркорларнинг баҳорги мактаби ўз ишини якунлади.

ЖАҲОНДА

• Кеча Япония бош вазири Юкио Хатаяма истеъфога чиқди. У ўз сўзида жумладан, халқнинг ҳукуматга нисбатан ишончининг йўқолишида айбдор эканлигини таъкидлади.

• АҚШ президенти Барак Обама мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашнинг янги доктринасини эълон қилди. Обаманинг таъкидлашича, энди Американинг душманлари — «Ал-Қоид», мамлакат ичидаги радикал кучлар, ядро қуролининг тарқалиши, иқтисодий инқироз ва табиат ўзгаришидир. Доктринада айтилишича, АҚШ эндиликда фақат НАТО ва БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши қўллаб-қувватлагандагина ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

• Покистон ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари 28 май кунини Лахордаги икки мачитга ҳужум уюштиришга алоқадор етти кишини ҳибсга олди. Айтиш жоизки, полиция ва жангарилар тўқнашуви чоғида 70 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлган, 108 киши тан жароҳати олган, бир неча жангари ҳаётдан кўз юмганди. Ҳибсга олинганлардан бири ҳужумни «Толибон» гуруҳи вакиллари амалга оширганлигини айтди.

• Марказий Америкага ҳуруж қилган «Агата» довули айниқса Гватемалага катта талафот етказди. Ушбу мамлакатда довул оқибатида 152 киши ҳаётдан кўз юмди, юз мингдан ортиқ аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Қизиги шундаки, довул пайтида мамлакат пойтахтида кенглиги 22 метр, чуқурлиги эса 30 метрдан ортиқ ўра ҳосил бўлиб, уч қаватли бино унга тушиб кетган ва бир киши ҳалок бўлган. Довул муносабати билан Гватемала, Гондурас ва Эквадорда фавқулодда ҳолат режими эълон қилинди.

Пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришни рағбатлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириши учун қулай шарт-шароит яратиш мамлакатимиз кредит-молия соҳасини мустаҳкамлашда устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Қарор ва ижро

«ЭЛЕКТРОН ҲАМЁН» — ТЕЗ, ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 19 апрелда қабул қилинган "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори юртимиз банк тизимида бу борадаги ишларни такомиллаштиришда янги истиқболларни белгилаб берди.

Бугун мамлакатимиз банклари пухта ҳимояланган пластик карточкалар, ҳисоб-китоб терминаллари, банкоматлар сонини кўпайтириш чора-тадбирларини кўрмоқда. Чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозлаш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди.

"Асака" давлат акциядорлик тижорат банки томонидан корхона ва ташкилотларда "ойлик маош" лойиҳаси фаол жорий этилмоқда. Бугунга келиб ушбу лойиҳалар сони олти мингга яқинлашди. 2010 йил 1 май ҳолатига кўра, мазкур лойиҳалар ҳамда жисмоний шахсларга берилган сўм билан ҳисоб-китоб қилинадиган карточкаларни қўшиб ҳисоблаганда, эмиссиянинг умумий ҳажми 507 мингдан ортади. Утган йилнинг шу даври билан таққослаганда, уларнинг сони 38 фоиз ўсган. Ҳозирги кунда банк томонидан 4700 терминал ўрнатилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 51 фоиз кўпдир.

"Асака" банкнинг пластик карточкалар бошқармаси бошлиғи Лола Шарипованинг айтишича, йил бошидан буён пластик карточкалардан фойдаланиш орқали нақд пулсиз маблағ айланиши ошиб бораётгани кузатишмоқда. Жорий йилнинг январь-май ойларида банкнинг терминал тармоғи айланмаси 147,1 миллиард сўмни ташкил қилди. Жумладан, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида бу кўрсаткич 122,1 миллиард сўмга яқинлашди.

Банк аҳолидан коммунал тўловлар, мобил алоқа ва Интернетдан фойдаланганлик учун ҳақни нақд пулсиз сутка давомида комиссия тўловларсиз қабул қилиш тизимини такомиллаштирмоқда. Ана шу мақсадда банк томонидан 13 инфокиоск ва 26 банкомат ўрнатилди. Яқин кунларда улар сони янада ортади - "Асака" банки яна 1400 тўлов терминали, 20 дан ортик инфокиоск ва 10 банкомат харид қилишни мўлжалламоқда.

"Асака" давлат акциядорлик тижорат банки капитал ва активлари ҳажми бўйича мамлакатимиздаги етакчи банклардан биридир. Унинг барча вилеянт марказлари ва туманларда 26 филиали, 108 мини-банк ҳамда 136 валюта айирбошлаш шохобчалари мавжуд.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

— Текширишларни кескин қисқартириш, лицензиялаш ва рұхсатномалар олиш тартибини соддалаштириш, кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, нақд пул маблағлари билан таъминлаш, солиқ тўловлари миқдорини ва ҳисобот топшириш турлари ҳамда муддатларини камайтириш, давлат рўйхатида олиш ва маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига муҳим ҳисса бўлаётди, — дейди жамоатчилик кенгаши раиси Шавкат Мирзаев. — Жамоатчилик кенгаши ҳақида сўз кетганда, айтиш керакки, бугунги кунда тадбиркорлар кенг фаолият олиб бораётган жойларда 70 дан зиёд «Ишонч қутилари» ўрнатилиб, уларга келиб тушаётган ариза ва мурожаатлар тезкорлик билан ўрганилиб, қўтарилган ҳар бир масала ижобий ҳал этилишига эришилмоқда.

Савдо-саноат палатаси шахар бошқармаси ва унинг ту-

Жамоатчилик кенгашида ТАДБИРКОРЛИККА АМАЛИЙ ЁРДАМ

Республикаимизда тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл берилиб, бу борада ғов-тўсиқларнинг олдини олишга қаратилган самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси жамоатчилик кенгаши томонидан ҳам ушбу йўналишда кўплаб чора-тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

ман бўлинмаларидаги жамоатчилик кенгашида «Ишонч телефонлари» ҳам ташкил этилган. Масалан, телефон орқали мурожаатлар бўйича Юнусобод туманида истиқомат қилувчи Евгений Меконскийга қўшма корхона очиш учун керакли ҳужжатларни тўплаш, фуқаро Абдулхамид Валиевга хусусий автомобиль ювиш шохчасини очиш, хунарманд Татьяна Киренкога «Олой бозори» очик акциядорлик жами-

яти ҳудудида ўз маҳсулотларини сотиш учун жой олиш масалалари ҳал этилди.

Бир сўз билан айтганда, кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш йўлида жамоатчилик кенгаши томонидан туман ҳокимликлари, назорат органлари билан ҳамкорликда ва бевосита тадбиркорларни жалб этган ҳолда фаол иш олиб борилаётди.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

«Камолот»

ТАЪТИЛ МАЗМУНЛИ ЎТАДИ

Оламда бегубор ва сирли бир ажиб салтанат борки, унинг ҳадсиз сарҳадларига жумлаи-жаҳон жо бўлиб кетади. У шундайин ёруғ, ҳайратли ва пок бир оламки, сизни беихтиёр лол этади. Ушбу салтанат боғларидан узоқлашганинг сари, у сени яна ўзига чорлайверади. Биз ҳам унга қараб талпинаверамиз, бутун дунё ташвишларига қўл силтаб, унинг жаннат боғларида бир умр қолиб кетгимиз келади.

Қаршимизда юзларидан бир олам кувонч порлаб, кувноқ кулгулари билан ҳаммани ўзига лол қолдириб боқаётган шўх болажонга меҳр билан қараймиз ва эртанг бугунги кундан ҳам порлоқ бўлсин деймиз.

Бу йилги ёзги таътилни 40 мингдан зиёд пойтахтимиз ёшлари дам олиш оромгоҳларида ўтка-

зади. Бундай имкониятга эга бўла олмаган ўғил-қизларимизнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун мутасаддилар томонидан кенг қамровли сўй-ҳаракатлар қилинмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими томонидан бу борада бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. «Ёзни «Камолот» би-

лан» шулар жумласидандир.

Мазкур лойиҳа шаҳар ҳокимлиги, Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, «Маҳалла» ва «Соғлом авлод учун» жамғармалари бўлимлари, бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

«Ёзни Камолот билан!» лойиҳаси доирасида мактаблар

қошидаги ва шаҳардан ташқаридаги оромгоҳларда «Биринчи тиббий ёрдам», «Қариялар патронажи» дарслари, «Тилларни ўрганамиз», «Компьютер саводхонлиги», «Ҳуқуқий саводхонлик» ўқув курслари, кўча кино ва театр ташкил этиш, ҳайвонот боғи ва музейларга экскурсиялар уюштириш, спорт мусобақалари ва миллий халқ ўйинлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ушбу лойиҳага нафақат пойтахтимиз таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшлар, балки меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оила фарзандлари ҳам жалб қилинган бўлиб, мақсад уларнинг руҳий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир.

Фотима ТУРФУНХЎЖАЕВА,
Шоҳиста МУҲСИМОВА

Анжуманда ўтган вақт давомида жамоа шартномаларининг бажарилиши, ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, меҳнат қонунчилигига қандай риоя этилаётганлиги хусусида сўз борди.

Тумандаги кўпгина ташкилотларнинг бошланғич касаба уюшмалари маъмурият ва ҳўжалик раҳ-

га қўшимча имтиёз ва кафолатларни ташкил этишда шу кунгача 70 дан ортик жамоа шартномаларидан фойдаланди. Жамоа шартномаларида ҳодимларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш, доридармон сотиб олиш, қўшимча таътил пули ва кўнларини бериш, моддий ёрдам кўрсатиш, болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўланма олиб бе-

Касаба уюшмаларида

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛ ЭТИЛИБ, РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Шайхонтоҳур туман савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшма кенгашининг 2004-2010 йиллар мобайнида олиб борган фаолияти юзасидан ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди.



барлари билан тенг ҳуқуққа асосланган ижтимоий шерикчилик муносабатларини шакллантириб, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлаш, саломатликни ҳимоя этиш, меҳнат жамоалари-

риш каби тадбирларни амалга ошириш, тегишли меҳнат шароитларини яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, корхона ҳодимлари доимий равишда сув спорт саройида, бошқа спорт мажмуалари имкониятларидан фойдаланмоқда, бу харажатлар

ҳам касаба уюшмасига ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланиб келинади. Бундан ташқари, соғлиғини тиклаш учун кам таъминланган ҳодимларга 531080 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилган. Қарийб беш йилдан бери тармоқ ҳодимларига дам олиш уй-

лари ва пансионатларга 260 та имтиёзли йўланма (шундан 124 таси оилавий), 136 та сиҳатгоҳларга ҳам имтиёзли йўланмалар берилди. Касаба уюшма аъзоларининг спорт билан шўғулланиши учун Митрофанов номидаги сув спорти саройининг соғломлаштириш гуруҳларига 1965 дона имтиёзли чипта тарқатилди. Ҳар йили туман миқёсида спартакиада мусобақалари, аёллар ва эркеклар ўртасида шахмат-шашка турнирлари ўтказилади, «Биз спортчи оила», «Барчиной» ва «Алпомш» тестлари топширилади. Тармоқ корхоналарида меҳнат қилиб, нафақага чиққан кўплаб фахрийлар, кам таъминланган оилалар ҳамisha эътиборда. Имкониятлардан келиб чиққан ҳолда уларнинг ҳолларидан хабар олиниб, моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Утган вақт ичида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини

олиш, ишловчиларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича ҳуқуқини ҳимоя қилиш, иш берувчиларни иш жойларида хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бериш каби масалалар бўйича касаба уюшмалари раислари иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Анжуманда туман касаба уюшма кенгаши фаолиятидаги асосий вазифалар устида тўхталиб ўтилди, жумладан янги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларини тузиш, борларини янада жипслаштириш, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида бандликка кўмаклашиш, иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш масалалари устувор эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: ҳисобот анжуманидан лавҳа Козим Улмасов олган сурат

ҚУВОНЧЛАРИ УМИДЛАРГА ТўЛА БОЛАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси васийлик кенгаши раиси Л.Каримова, ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Ж.Дельмот Ўзбекистонда болалар ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти, соғлиғини ҳимоялаш, жаҳон андозалари даражасида таълим бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, фармон ва қарорлар юртимиз ёшларининг жисмоний ва маънавий камолотида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Айниқса, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ҳар жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

Имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, тиббий-психологик, маънавий кўмак бериш, уларни ҳуқуқий, ижтимоий муҳофаза этиш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига яқиндан ёрдамлаштириш Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси каби ташкилотлар фаолиятида устувор аҳамиятга эга.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази томонидан ёши, ижтимоий-тиббий ҳолатидан қатъи назар, барча болалар манфаатларини ҳимоялаш, улардаги касаллик аломатларини вақтида аниқлаш ва даволаш, фарзандларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик, педагогик кўмак кўрсатишга оид қатор лойиҳалар, ижтимоий, хайрия тадбирлари, йирик илмий анжуманлар, форумлар, семинарлар ана шундай чора-тадбирларнинг амалий натижасидир.

Марказ қошидаги Ахборот-консалтинг хизмати жисмоний имконияти чекланган, асаб ва руҳияти бузилган, сурункали оғир касалликларга чалинган болалар, ота-она меҳридан бебаҳра ёшлар, мураккаб ҳаётий вазиятдаги ўғил-қизларга аниқ манзилли ва мақсадли тарзда ёрдам кўрсатиб келмоқда. Айниқса, ақлий, жисмоний ривожланиши суст, нутқда нуқсон бор кичкинтойлар учун коррекцион-даволаш муолажаларини ўтказиш, уларни умумтаълим мактабларига йўналтириш, ота-оналарга тегишли маслаҳат ва тавсиялар ўз самарасини бермоқда.

Тадбирда педагогик, психологик, дефектологик йўналишда ёрдам қилинаётган юз нафар кичкинтойга махсус тиббий анжом ва ускуналардан иборат совғалар топширилди.

Санъат усталари ва болалар бадиий жамоалари иштирокида концерт намойиш этилди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Иқтисодиёт

ЎЗ ЎРНИГА ЭГА КОРХОНА

2002 йилдан буён фаолият юритаётган «Azia-elektroenergiya» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси электр маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, республикаимизнинг деярли барча вилеянтларини қамраб олган буюртмачиларни мамнун қилмоқда. Сифат ҳамиша бош мезон бўлган мазкур корхона ўтган йили Германияда ўтказилган халқаро кўрикда «Сифат» кубогига сазовор бўлди.

«Azia-elektroenergiya» тоғ-кон, нефть-газ, авиация соҳаларида қўлланиладиган юқори вольтли ҳамда паст қучланишли ускуналарни биринчилардан бўлиб ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхона ҳисобланади.

АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ

«ПГС» хусусий корхонаси ўз ўрни ва мавқеини бозоримизда мустаҳкамлаб олган ишлаб чиқарувчилардан. Корхонада тайёрланган маҳсулот турлари ҳозирги кунга келиб 20 дан зиёдни ташкил этади.

Кичик нонвойхона, минипеч, иситгичлар, анъанавийлик билан замонавийлик ўзаро уйғунлашган сандал, кўра, ўчоқ, тандирилар, шунингдек, тиббиётда, жумладан, соғломлаштиришда ўз ўрнига эга бўлган сауналарда қўлланиладиган қаравотлар харидорлиги билан ажралиб туради. Эътиборли томони, шу турдаги электр жиҳозлари кўп афзалликларга эга. Уларнинг барчасида маҳаллий экологик тоза, инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатувчи диэлектрик (хавфсиз ҳисобланган) — сопол кенг қўлланилади. Чиройли дизайни ва электр қуввати кам сарфланиши билан буюртмачиларни мамнун қилмоқда.

Ички ва ташқи бозорни чуқур ўрганиш асосида ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотлар нисбатан арзонлиги боис ҳам буюртмачилар сафи кенгайишига асос бўлаётди. Кўплаб кўрик-танловлар, ярмарка, биржаларда ўз маҳсулотлари билан муваффақиятли қатнашиб, юқори совринларга эришаётган «ПГС» корхонасида изланувчан, ташаббускор, янгиликка ўч ёшлар фаолият юритади.

Муяссар РАЗЗОКОВА

Қарор ва ижро

БОЗОРЛАР ТЎКИНЛИГИ — ФАРОВОНЛИК БЕЛГИСИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бозорлар фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш, сотувчи ва харидор учун қўлай шарт-шароит яратиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 апрелда қабул қилинган “Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Қарорга биноан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сунъий тарзда оширилган нархларда сотиш ва чайқовчилик ҳолларининг олдини олиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланишини таъминлаш, бозорлар ва савдо мажмуалари ҳудудда сифатсиз, қалбаки ва контрабанда маҳсулотларини сотишга йўл қўймаслик масалаларига эътибор янада қўйилди.

“Кўйлик дехқон бозори” очик акциядорлик жамиятида бозорни янада обод ва кўркам қилиш, истеъмолчиларга мақбул нарх-навоини шакллантириб, пул тўловлари ҳисобини тўғри йўлга қўйиш, тўлов терминаллари ва назорат-касса аппаратлари билан таъминлаш ишлари изчил амалга оширилмоқда.

— Бозоримиз 5,6 гектар майдонда жойлашган бўлиб, унда қарийб 200 турғун савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси, 2 минг 347 бозор растаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда, — дейди “Кўйлик дехқон бозори” очик акциядорлик жамияти раисининг ўринбосари Алишер Орипов. — Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини аниқлайдиган ускуналар билан жиҳозланган замонавий лаборатория ишлаб турибди. Автомобиллар учун тўхташ жойи, ихтисос-

лашган турғун савдо дўконлари, гўшт, балиқ ҳамда гул павильонлари замонавий услубда қайта жиҳозланди.

Президентимиз қароридан белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ, бозоримизнинг ўз паспорти ишлаб чиқилди. Маъмур ҳужжатда бозорнинг ихтисослашуви, иш тартиби, турғун савдо нуқталари, савдо ўринлари сони, жойлашуви, ҳудуддаги мавжуд инфраструктура объектлари, кўрсатилаётган хизмат турлари ва оид зарур маълумотлар ўз ифодасини топган.

Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва пул ҳисоб-китобини тўлиқ назорат қилиш мақсадида автоуловда келадиган харидорлар учун бозор тасарруфидан транспорт воситаларини вақтинча сақлашга мўлжалланган, қарийб 300 энгил автомашина бемалол сифатдан унча майдонча фаолиятини йўлга қўйилиб, улар фискал хотирали назорат-касса машинаси ва тўлов терминали билан жиҳозланди. Йиғиладиган қўндалик патта тушумлари ва хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар маъсус ҳазина ва компьютер дастури орқали тегишли банк ҳисобрақамларига кириш қилинмоқда. Бу нақд пул айланишини яхшилаш

билан бирга вақтни тежаш, маблағни назорат қилиш жараёнини анча соддалаштириш имконини бераётир. Тўловларни амалга ошириш учун бозоримизда “Агробанк” шохобчалари фаолият юритилмоқда.

Бозорда сотилаётган маҳсулотлар учун белгиланган тартибда патта тўловлари жорий қилиниб, унинг суммаси маҳсулот турига қараб белгиланади. Аниқ белгиланган миқдорнинг мавжудлиги пул тушумлари ҳисоб-китобини олиб боришни соддалаштиради.

“Кўйлик дехқон бозори”да кунига 20 тоннага яқин картошка, 15 тонна пивё, 20 минг донагача тухум, қарийб 6 тонна мол, қўй ва парранда гўшти сотилади. Шу боис бозор ҳудудда фаолият юритаётган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган назорат-касса машиналарида сотиб олинган товарлар ва хизматлар учун харидорларга бериладиган касса чекларида солиқ тўловининг номи ва индивидуал рақами, харид қилинган вақти ва саноати, товарнинг номи, нархи, касса аппаратининг рақамига оид маълумотлар бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бозорда соҳибкорларимиз етиштирган маҳсулотларни ўзла-



ри сотиши учун шароит яратилган. Хусусан, бозор ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлар учун хар чоракда маъсус иш кийимлари берилди. Озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган учта омборхона доимо ишлаб турибди. Барча сотувчилар тош-тарози билан тўлиқ таъминланган. Жорий йилдан кучга кирган янги тартибга қўра, ўз томорқасида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотаётганлар солиқлардан озод қилинган. Шунингдек, савдо расталари фақат яқка тартибда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномага эга жисмоний шахсларга берилмоқда.

Юртимизда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати кенг кулоч ёйиб, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш ривожланаётгани аҳолини асосан ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш имконини бermoқда. Бозорларимиз жаҳон талабларига жавоб берадиган, харидор ва сотувчилар учун зарур қўлайликларга эга, сифатли хизмат кўрсатиш тармоғига айланаётир. Зеро, халқимиз, юртининг ободлигини билмоқчи бўлсанг, бозорларини кўр, деб беҳиж айтмайди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА шарҳловчиси

Сўранг, жавоб берамиз

Болалар неча ёшдан меҳнатга лаёқатли деб ҳисобланади. Улар меҳнатидан қандай ҳолатларда фойдаланиш мумкин? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Л. Ҳайдарова,
Миробод тумани

Республикаимизда 14 ёшгача бўлган болалар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади. 14 ёшдан 15 ёшгача болалар фақат асосий машғулоти бўлмиш ўқишдан бўш пайтларидагина ишлаши мумкин. Ўсмир(14-18 ёшли)лар меҳнатидан фойдаланиш бўйича тақиқланган ишлар, касблар, вазифалар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланган. Уларга иш ҳақи қисқартирилмагани ҳолда қисқартирилган иш вақти, узайтирилган меҳнат таътили ва бошқа имтиёзлар берилди. Ўсмирлар меҳнатидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун қонунда жавобгарлик кўзда тутилган.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб ҳисоблаш мумкинми?

С. Арзиева,
Бектемир тумани

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилигига билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ, бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эммансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайди.

Қандай пайтда мажбурий суғурта мажбурияти белгиланади?

М.Қодирова,
Юнусобод тумани

Қонунда қўйидагиларни суғурта қилиш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин: — қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб;

— бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши ўша ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий жавобгарлиги хавфи бўлганда, суғурта қилиш мажбурияти тузилади.

Суғурта қилдирувчи бўлиш мажбурияти қонун билан унда кўрсатилган шахслар зиммасига юкланади.

Қонунда мажбурий суғуртанинг бошқа турлари ҳам белгиланиши мумкин. Фуқарога ўз ҳаёти ёки соғлиғини суғурталаш мажбурияти қонун билан юклатилиши мумкин эмас.

Мол-мулкни суғурта қилиш мажбурияти қонундан келиб чиқмайдиган, балки мол-мулкнинг эгаси билан тузилган шартномага ёки мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланувчи юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига асосланган ҳолда бундай суғурта мажбурий ҳисобланмайди.

Нодира БОЛТАХОДЖАЕВА,
Бўрибой МИРАЛИМОВ,
Мирзо Улугбек тумани давлат
нотариал идоралари нотариуслари

2010 йил — Баркамол авлод йили

ЎҚУВЧИЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Юртимизда давом этаётган “Ҳар бир фарзандга — меҳр, эътибор!” маъсус ҳафталиги доирасида “Sen Yolg’iz Etmassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси Ўқув марказини тамомлаган ёшларга сертификатлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан. Бу борадаги эзу ишларда ота-она меҳридан бебаҳра ўғил-қизлар, ижтимоий, тиббий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топишига яқиндан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Sen Yolg’iz Etmassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармасининг Ўқув маркази ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг умумий фанлар бўйича қўшимча таълим олиши, билиминини мустаҳкамлаши, уларни ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунарга йўналтириш, болаларнинг таълимдан ташқари вақтини тўғри ва унумли ташкил этишига хизмат қилмоқда.

Марказда фаолият кўрсатаётган психологлар, педагоглар болаларнинг дунёқараши, қизиқиши, иқтидорини яқиндан ўрганиб, турли

фан, бадиий ижодиёт, касб-ҳунарга йўналтиришга йўналтириб боради. Марказнинг умумий фанлар, замонавий ва миллий рақс тўғрисидаги, медиа марказ, тасвирий ва амалий санъат, театр студияларида бир юз олти нафардан ортиқ ўқувчи-ёш қўшимча таълим олиш, ўз истеъдодини намойиш этиши имконига эга.

— Мен математика ва компьютер технологиялари тўғрисидаги маълумотларига қатнашман, — дейди 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Ситора Қурбанова. — Маълумотлар мактабда олган билимининг янада мустаҳкамлаши, бойишида муҳим аҳамият касб этади. Мактабни тамомлаб, Тошкент юридик коллежига ўқишга кирмоқчиман.

Тадбирда Ўқув маркази тўғрисидаги аъзо болалар иштирокида театрлаштирилган-муслик дастур намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

КИТОБ — БИЛИМ БУЛОҒИ

Болада билимга қизиқишни шакллантириш ва ривожлантириш — ўқув-тарбия жараёнида мураккаб масалалардан биридир.

Оилада илмий қизиқувчанлик муҳитини яратишда ота-оналарнинг шахсий ибрати катта аҳамиятга эга. Бирок ота-онанинг болада илмий қизиқувчанлик фаолиятини тўғри ташкил этиши, чунончи унинг ақлий-интеллектуал фаолигини, қизиқишини мунтазам рағбатлантириб бориш ҳам тақозо этилади. Ушбу масалада оилавий кутубхонанинг ташкил этилиши айниқса асқатади. Китобларни тўғри танлаб, болага тушунарли тарзда тавсия этиш зарур. Акс ҳолда ҳаддан ташқари кўп маълумотлар ва ҳиссиётлар боланинг ҳали мураккаб бўлган идрок этиш қобилиятига зарар қилиши мумкин.

Болаларни китобга ва ўқишга ўргатиш узоқ жараён. Илк пайтларда ота-онанинг ўзи китобни болага ўқиб бериши афзалроқ. Бунда ҳайвонлар ва ўсимликлар, буюк кишилар ҳақидаги китобларни танлаш керак. Ушбу мазмундаги китоблар болани нафақат ўзига жалб этади, балки унга фойдали ҳам бўлади.

Мустиқил ўқишга қизиқиш уйғотиш мақсадида ота-она олдига болага китобдаги бирикки қизиқарли лавҳаларни ҳикоя қилиб беради, қолган лавҳалар ва ҳикоянинг давомини бола мустиқил ўқиб олади. Ўқиб чиқилган ҳикоя ҳақида суҳбатлашиш айнқса

фойдалидир. Ушбу суҳбат давомида болада янги саволлар туғилади, уни яна бошқа китобларни ўқишга қизиқтиради.

Китобга муҳаббат уйғотиш бу ҳали ҳаммаси эмас. Биринчидан, бола бугун улкан ахборот оқимида тўқнашиб, унинг аксарият қисми юзаки, нотўғри маълумотдан иборат эканини билмаслиги аниқ. Ўқувчини ушбу ахборотдан энг керакли ва асосий, тўғри маълумотларни танлаб олишга ўргатиш керак. Иккинчидан, боланинг ҳаддан ортиқ банд эканлигини эътиборга олиш ҳам лозим. Мактаб дарсликларидан тўлиқ маълумот жамланмаган. Шу боис ўқитувчи қўшимча манбалар — қомуслар, луғатлар, бошқа маълумотлардан фойдаланишга мажбур. Ушбу ҳолат барча фанларда кузатилади. Шунинг учун болани китоб билан ишлашга, уни севишга ва ундан мумкин қадар кўпроқ билим олишга ўргатиш муҳим. Китобхон ва китоб орасида мулоқот бўлиши учун китоб матнида фойдаланган воқеликни тўлиқ ва аниқ идрок этиш, айна пайтда унда йўқ маънони ихтиро қилмаслик зарур. Матрни тушуниш уни яратишга қараганда мураккаброқ. Матрни тушуниш жараёнида икки жиҳат ўзаро ҳаракатда бўлади — матннинг ўзлиги ва матни идрок этиш чоғида инсон руҳия-

тида рўй бераётган жараён. Китобхон матни уни ташкил этадиган сигналлар ёрдамида идрок этади. Ушбу сигналлар — сўзлар, сўз бирикмалари ва уларнинг таркибий бўлақларидир. Шунинг учун матни тушуниш, биринчидан, китобхоннинг унга қаратилган сигналларни қабул қила олиши, иккинчидан, уларни ўзаро яхлит тизим шаклида идрок этиш билан боғлиқ.

Шунингдек, оилада, айниқса мактабда ўқувчининг нимаидир тушуна билмаслигига нотўғри муносабат пайдо бўлишига эътибор қаратиш лозим: бунда тушуна оломаслик унинг айби сифатида баҳоланиб, одатда танбеҳ ёки мазақ кулги туғдиради. Бундан ташқари, ўқитувчилар, ота-оналар боланинг қизиқувчанлигини суҳбатлар, турли саволлар билан доимо рағбатлантириб туриши керак. Алишер Навоий ёзганидек, “Билмаганин сўраб ўрганган — олим, орланиб сўрамаган — ўзига золим”.

Хулоса қилиб айтганда, болани китобга нафақат қизиқтириш, балки ундан фойдаланишга ҳам ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

Нигора КАМАЛОВА,
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ўқитувчиси

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан хайрия тадбири уюштирилди.

ИИБ, ИИБ Бектемир тумани бўлими, Ички ишлар академияси, Тошкент шаҳар ногиронлар жамияти вакиллари иштирок этган тадбирда Тошкент шаҳар ногиронлар жамиятининг туман бўлимининг бир юз йигирма беш нафар тарбияланувчилари тақлиф этилди.

— Болаларга қанча гамхўрлик қилсак шунча кам, — деди «Туркистон-пресс» муҳбири Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Машраб Раззоқов. — Бу ерга келолмаган болаларга ҳам совғалар юборилди. Улардаги санъатга ва ижодий изланишга чанқоқликни кўриб, қатнашчилар хайратда тушди. Бир сўз билан айтганда, гарчи улар жисмонан ногирон бўлсада, маънавий ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлашди.

Тадбирда болаларнинг жисмоний имконияти чекланган бўлишига қарамастан ижро этган куй ва қўшиқлари барчанинг таъсирини сезди. Тадбир сўнггида вазирилик томонидан уларга қимматбаҳо совға-саломлар улашилди.

Наргиза АСАДОВА

Ўқув йили ҳам якунига етай деб қолди. Касб-ҳунара коллежлари ва академик лицей ўқувчилари қайси бир олий ўқув юртига ўқишга кириш, қайси касбни эгаллаш тўғрисида ўйлаётган бўлиши, шубҳасиз. Ана шундай битирувчи ёшлар учун айна кунларда олий таълим муассасаларида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилмоқда.

Таълим масканларида

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Тошкент давлат техника университетида ҳам «Очиқ эшиклар куни» ўтказилиб, унда шахримиз, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида жойлашган академик лицей ва касб-ҳунара коллежларининг битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар, ота-оналар иштирок этди. Ўғил-қизлар ушбу нуфузли олий ўқув юртига бу йилги қабул шарт-

лари, талабалар учун яратилган шароитлар, мавжуд етти факультет ва кафедралар фаолияти билан яқиндан таниниб, барча маълумотларга эга бўлди. Шунингдек, ҳар бир факультетда университетнинг профессор-ўқитувчилари иштирокида давра суҳбатлари ҳам ташкил этилди.

Дилором ИКРОМОВА

«Тошкент почтамити» очик акциядорлик жамияти жамоаси Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Бадриддин Садриддинович Камоловга акаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор **Масловуддин САДРИДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Республика болалар кутубхонасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.

БАХТИНГ БУТУН БЎЛСИН, БОЛАЖОН

Тадбирга 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда SOS — «Болалар маҳалласи» болажонлари меҳмон сифатида иштирок этди.

Тўкин дастурхон атрофида йиғилганларнинг кўнглига хушнудлик бахш этиш мақсадида бир қанча гуруҳлар ўз концерт дастурларини намойиш қилди.

«Кўзминчоқ» рақс дастаси, «Дийдор» театр-студияси ижросидаги куй ва кўшиқлар, қизиқарли сахна кўринишлари йиғилганларга манзур бўлди. «Кувноқ» «Стартлар» ўйинлари тадбирга ўзгача жозиба бахш этди.

— Болалалар кўзидаги шодлик учунлари, чеҳрала-ридаги беғубор кулгуни кўриш ўзимизга ҳам хуш кайфият бағишлади, — деди кутубхона директори Фоти-ма Бухарова. — Кўнгли яримларнинг дилларига хушнудлик бахш этиш, оз-гина бўлса ҳам уларга маз-мунли дақиқаларни ҳаёда қилганимиздан хурсандимиз. Дунёда бола кулгусидан чи-ройли нарсанинг ўзи йўқ. Истардимки, замин болала-рининг бахти тўлиқ, толеи порлоқ бўлсин. Меҳр-му-хаббатга ташна кўнглилари-га ҳеч қачон ғубор кўнма-син.

Гулчеҳра САТТОР қизи

ҲАР БИР ФАРЗАНДГА МЕҲР ВА ЭЪТИБОР

Ушбу эзгу ишларга кўмаклашиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимо-ий ҳаракати шаҳар бўли-ми кенгаши ҳам бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куну муно-сабати билан «Ҳар бир фарзандга меҳр ва эъти-бор» шиори остида таш-кил қилинган ҳафталик да-вомида эртамиз эгалари бўлмиш болажонларимиз-ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар ўтказилди. Кам таъминланган оила фарзандларига эсдалик совғалари улашилди.

Кеча Фафур Ғулум но-мидаги маданият ва исти-роҳат боғида ҳафталик якуни сифатида Меҳри-бонлик уйлари тарбияла-нувчилари учун байрам дастури намойиш этилди.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, имконияти чекланган ёшларнинг билим олиши, иқтидори ва маҳоратини намоён қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Тадбир Адлия бошқарма-си, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкор-ликда ташкил этилиб, ас-фальтга расм чизиш тан-лови, ракета учиратиш ўйинлари, маҳорат мак-таблари ўтказилди. Ҳар бир болажон ўйингоҳлар-дан беғул фойдаланиб, мароқли ҳордиқ олди.

Мирзо Улугбек номида-ги маданият ва истироҳат боғида эртага «Мафтункор ранглар олами» расмлар танлови бўлиб ўтди. Тад-бир давомида болалар учун кизиқарли ўйинлар ва турли танловлар ўткази-лади.

Шаҳодат МУРОДОВА,
Турғуной ФОТИМОВА

МУСИҚАГА ОШНО ҚАЛБЛАР

Чилонзор туманидаги 15-болалар музика мактабида 2009-2010 йил якунига бағишланган ҳисобот концерт дастури бўлиб ўтди.

Унда ўқитувчилар ва ўқувчилар биргаликда ижро этган «Ўзбек тер-ма усуллари», «Болалар дунёси», «Мактаб йиллари», «Тамбури», «Шодлик», «Завқ улашиб», «Кўнгли гулдастаси», «Байрамнинг мубо-рак», «Кулги», «Хоразмча рақс», «Меҳрли кунлар», «Лайли ва Ма-жнун» каби дилрабо куй ва кўшиқлар барчага бирдай манзур бўлди.

«Санъат гўнчалари» шаҳар тан-лови совриндори Камила Одило-нова, «Янги авлод» болалар ижоди-ёти фестивали ҳамда Муҳиддин Қори-Ёқубов номи танлов соврин-дори Фозил Фарҳодовнинг ижро-лари айниқса олқишларга сазовор бўлди.

— Юртимизда музика таълим ти-зимини тубдан такомиллаштириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш борасида кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда, — дей-ди музика мактаби директори Ха-мидулла Сағдуллаев. — Мактабимиз-да ҳам ўқувчи-ёшларни миллий ва жаҳон музика санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд

этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ёшларимиз катта сахна-ларда ўз иқтидорини намойиш этиб, қўллаб совринларни қўлга киритмоқ-да. Албатта, бунда ўқитувчиларнинг меҳ-натларини алоҳида таъ-кидлаш лозим. Икки то-монлама ҳамкорлик, из-ланиш ва истеъдод бирлигидаги уйғунлик ҳаммиша омад келтир-ган. Келгусидаги режа-ларимиз ва интилишларимиз ҳам музика санъатининг нуфузини янада баландроқ кўта-ришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ёшлар томонидан қўлга кири-тилаётган ютуқлар мазкур музика ва санъат мактабида олиб борила-ётган ишларда ўз ифодасини топ-моқда. Ўқувчиларнинг музика билимларини мустаҳкамлаб келаётган бу даргоҳ аънаваний ижрочили, ўзбек халқ чолгу асбоблари, скрип-ка, гитара, фортепиано, эстрада



қўлга киритаётган ютуқлари-ни муносиб равишда рағбат-лантириб бориш борасида ҳам самарали ишлар амалга оши-рилмоқда, бу ерда машҳур ба-стакорлар билан ижодий уч-рашувлар ўтказиш ҳам йўлга қўйилган.

Тадбирда қатнашган Ўзбе-кистон Давлат консерваторияси профессор-ўқитувчилари, таниқли бастакорлар мактаб жамоасини ўқув йили муваффақиятли яқунлангани билан кутладилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: концерт дасту-ридан лавҳалар

Спорт янгиликлари

Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигасининг 11-тур беллашувларида пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Пахтакор» ва «Локомотив» командалари ўзаро куч синашди.

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Шуни таъкидлаш жоизки, мам-лакатимизнинг етакчи жамоала-ридан бири «Пахтакор»га қарши темирйўлчиларни бу сафар Анд-рей Микляев бош мураббий си-фатида майдонга олиб чиқди. Те-мирйўлчилар биринчи бўлимда анча сермазмун ўйин намойиш этиб, «Пахтакор»га муносиб қар-шиллик кўрсатди. Бироқ тажриба, маҳорат бу сафар ҳам ўз сўзини айтди. 90 дақиқа давом этган уч-рашув 4:2 ҳисобида Равшан Ҳай-даров шогирдларининг галаба-си билан яқунланди. Дарвозалар-га голларни «Пахтакор»дан Мар-кович, Милодинович, Холматов, Гейнрих (пенальти), «Локомотив»-дан Наукаров, Ибрагимовлар киритди.

Сафарда «Олмалик» жамоаси меҳмони бўлган Миржалол Қоси-мов бош мураббийлигидаги «Бу-

недкор»га ҳам ушбу турда омад кулиб боқди. Учрашувда яққол устунлик қилган меҳмонлар 3:1 ҳисобида зафар кучиб, турнир жадаллидаги пешқадамлик ма-қоқсини сақлаб қолди. Шу кунги мухлислар «Олмалик»дан Отақу-зиев, «Бунёдкор»дан Денилсон, Ривалдо, Солиевлар томонидан дарвозаларга йўлланган чирой-ли голларнинг гувоҳи бўлди.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» — «Андижон» — 2:0, «Хоразм» — «Насаф» — 1:2, «Навбахор» — «Не-фтичи» — 1:1, «Машъал» — «Қизил-кум» — 0:2, «Металлург» — «Шўртан» — 2:1.

Мамлакат XIX миллий чемпио-нати профессионал футбол лига-сининг 12-тур беллашувлари 4-5 июнь кунлари бўлиб ўтди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Айтиш керакки, мактаб-да ўқувчилар жисмоний тарбия дарсларига зўр қизиқиш билан қатнашади. Шу боис улар туман ва ша-ҳар миқёсида ўтказилади-ган спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Жорий ўқув йилида ўткази-лган «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг туман босқичида иштирок этган ўқувчилар энгил атлетика, волейбол ва футболдан яқ-қолиб ва жамоада иккин-чи ўринга сазовор бўлди, стол тенниси бўйича эса учинчи ўринни банд этди.

Ўқувчиларнинг спортга бўлган бундай иштиёқи ва қизиқиши ўтказилаётган тадбирларда ўз аксини топ-моқда. «Спорт — умримиз

каби йўналишларда сабоқ беради. Ўқувчиларнинг қўллаб шаҳар, республика кўрик-танловлар ва фе-стивалларда совринли ўринларни қўлга киритаётгани таҳсинга сазо-вордир. Уларнинг иқтидорини яна-да сайқаллаштириш, музика соҳа-сида мустаҳкам билим бериш ва

СПОРТСЕВАР ЎҚУВЧИЛАР

Ҳамза туманидаги 155-мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси Насиба Маҳманазарованинг ташаббуси билан Баркамол авлод йилига бағишлаб «Спорт — умримиз машъали» шиори остида мусобақа ўтказилди.

машъали» мусобақаларида 3,4,6,8-синф қизлари рит-мик гимнастика машқлари-ни музика жўрлигида на-мойиш этган бўлса, 4-синф ўқувчилари «Кувноқ» «Старт-лар» баҳсида олтита шарт бўйича беллашди.

Усмирлар чақонлиги ва зийраклигини қўйилмақом тарзда намойиш этди.

Дилноза
ЖУМАНИЁЗОВА

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
5617 нуска босилади.
Қирғиз бичими А-2

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИҚ ДОМО БЎЛУР

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ИККИЛИКЛАР

Тароқ соч кўрмаса
қақшаб ётаркан,
Ҳар тиғи тиконга ўхшаб
ётаркан.

Кушни қаритгувчи қафас
бўлади,
Қаритгувчилар шум
нафас бўлади.

Гар кўнглингда кибор йўқдир,
Ой доғида ғубор йўқдир.

Қарз қадрингиз арзон қилади,
Вале дардинг ларзон қилади.

Кўзгу билан кўришиб тургин,
Ҳуснинг билан уришиб тургин.

Магар шогирд шаккок
бўлибдир,
Устоз дили чок-чок бўлибдир.

Орзу сени осмонга бошлар,
Армон ердан отади тошлар.

Магар кўёш бошингда эрур,
Меҳринг тафти ошингда эрур.

Ҳар уйда ҳам эшик бўлади,
Бахт беланган бешик бўлади.

Агар қадринг қалқонинг бўлур,
Эл ичинда ул шонинг бўлур.

Дилингизда дилим қолса бас,
Кўлингизда гулим қолса бас.

Ҳикмат аҳли хитобни суймас,
Заргар сира шитобни суймас.

Шеър шароби қонда бўлади,
Ўздан кечган жонда бўлади.

Юлдуз учса ерга тушмайди,
Маконини у ҳам хушлайди.

Яхшига ярашган ҳар
битта қилиқ,
Ёмонга доим бўларкан ортиқ.

Омад қўлдан кетса
уйинг хувиллар,
Тунни тўлғонтириб итинг
увиллар.

Бахтнинг этагини
бахтсизлик тутган,
Бахтидан айрилур уни унутган.

Кўзингга қараб юр
дедилар онам,
Бу гапни боламга илиндим
мен ҳам.

Онанг ўпқаласа озори ботмас,
Боланг ўпқаласа тунлар
тонг отмас.

(Давоми бор)



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32